ТАСДИҚЛАЙМАН

Жиззах вилоят телерадиоканали
директори в.б.: _____ Э. Шерманов
«_7_» _____ 2025 йил

Жиззах вилоят телерадиоканалида ўтказилган йиғилиш

Б А Ё Н И №13.

“ 7 ” июль 2025 йил Жиззах шаҳри

Раислик қилувчи: С.Азимов - Жиззах вилоят телерадиоканали бош юрисконсульт;

Иштирок этди: Жиззах вилояти Адлия бошқармаси масъул ходим А.Рахматов;

Қатнашдилар: ТВ ва РЭ бош муҳаррирлари, бўлим раҳбарлари, Бош мутахассислар. жами 20 киши

К У Н Т А Р Т И Б И:

1. Жиззах вилоят телерадиоканалида Коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатлар бўйича ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган чора-тадбирлар;
2. Бошқа масалалар;

(П.Холматов, Ш.Сулаймонов, М. Миразимов, Д. Эргашев, С. Бўронова, С. Бекназаров, ... П.Холматов)

Кун тартибига киритилган масала бўйича йиғилиш иштирокчиларини вилоят телерадиоканалининг бош юрисконсульт С.Азимов таништирди. У сўз навбатини Жиззах вилоят адлия бошқармаси масъул ходим А.Рахматовга берди.

А.Рахматов сўзга чиқиб, “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида” ги, 2024 йил 5 июндаги ЎРҚ-931-сон Қонуни, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон ва 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармонлари ижроси юзасидан вилоят телерадиокомпаниясида ҳам бир қатор тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилаётганлиги, келгусида мазкур турдаги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш юзасидан ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ўқув машғулотлари ўтказиб борилишини

режалаштириш каби масалаларга тўхталиб ўтди. Қонунда шахснинг шахсий бевосита ёки билвосита манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган мавжуд манфаатлар тўқнашуви ёки юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви хусусида маълумот бериб ўтди.

Жиззах вилоят телерадиоканали бош юрисконсульт С.Азимов кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш жараёнида коррупция ҳолатларининг олдини олиш, огоҳлик ва хушёрликни таъминлаш, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни олдини олиш учун фаолиятда қонунийлик, очиқлик ва шаффофлик, холислик, коррупцияга қарши муросасиз бўлиш лозимлигини таъкидлади. Шу билан бирга, ана шундай ҳолат рўц бреадиган бўлса, раҳбариятни волаверса, ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожат қилиш тартиби тушунтирилди.

Йиғилиш иштирокчиларининг билдирган фикр-мулоҳазалари инобатга олиниб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жиззах вилоят телерадиокомпанияси Бино хавфсизлиги масалалари бўйича масъул (М.Миразимов), инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш масалалари бўйича бош мутахассиси (С. Бекназаров) биргаликда:

-Ходимлар ўртасида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги Қонуни, “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида” ги, 2024 йил 5 июндаги ЎРҚ-931-сон Қонуни “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон ва “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон Фармонларини ўрганиш бўйича тегишли ташкилот идоралар вакиллари ҳамкорлигида ходимларга доимий равишда тушунтириш ишлари ўтказиб борилсин.

2. Бош муҳаррирлар (Д.Эргашев, С. Бўронова)

-тегишли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида коррупцияга қарши курашиш,манфаатлар тўқнашувини олдини олишни тарғиб қилишга қаратилган телекўрсатув, радиоэшиттириш ва ижтимоий роликлар тайёрлаб, тизимли равишда эфирга жойлаштириб борилиши таъминлансин.

3. Ушбу баёнда белгиланган ҳар бир вазифани сифатли ва тегишли муддатларда бажарилишига бандларда кўрсатилган масъуллар жавобгар эканлиги инобатга олинсин.

Йиғилиш котиби: **С.Бекназаров**